



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati



“САДОИ ФАРҒОНА” ДАН

“ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ” ГАЧА

110 ЙИЛ


“Садои Фарғона” 1915 йилда ёпилгач, шу ижодий жамоа “Тирик сўз”, сўнг у ёпилгач, 1917 йилда “Эл байроғи”, 1918 йилдан “Меҳнат байроғи”, 1922 йилдан “Фарғона”, 1926 йилдан Кўқон шахри маркази бўлган Фарғона округининг бош наشري сифатида “Янги Фарғона” номлари билан газета чиқарди. 1938 йилда Фарғона округи тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди. У водий ҳудудининг яхлит бирлиги бўлиб, маркази Фарғона шахрига кўчирилди. Вилоят партия қўмитаси қарори билан энди газета номи “Коммуна” деб ўзгартирилди. Аммо 1941 йил март ойида Андижон, Наманган вилоятлари Фарғона вилоятинан ажратилиб чиқди ва “Коммуна” 1991 йилгача шу вилоят бош газетаси бўлиб келди. 1991 йилда унинг номи “Фарғона тонги”, 1992 йилда “Олтин водий”, 1993 йил 1 январидан эса “Фарғона ҳақиқати” га ўзгартирилди ва шундан буён шу номда мунтазам чиқиб келмоқда.

1914-1926 йилларда Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Ҳамза ва бошқа жадид боболаримиз томонидан “Садои Фарғона”, “Эл байроғи”, “Меҳнат байроғи”, “Фарғона”, “Янги Фарғона” номларида чиққан газеталарнинг барчаси бир ижодий жамоа, муассис, муҳаррир ва мухбирлар томонидан чоп этилгани тарихий далиллар, олимларнинг илмий тадқиқотлари исботлаб турибди. Шундай экан, бугунги “Фарғона ҳақиқати” газетасининг илк сони, биз ҳозиргача айтиб келаятгандек, 1917 йил 14 октябрдан “Эл байроғи” номи билан чиққан дейишимиз тарихий хато бўлиб, у 1914 йил 3 апрелда “Садои Фарғона” номи билан чиққан газетанинг давомчиси дейишга барча асослар, далиллар бор. Агар шу нуқтан назардан қаралса, бугунги “Фарғона ҳақиқати” газетаси юз очганига 110 йил тўлди, дея баралла айтиш мумкин.

Матбуот давр ойнасидир. Йиллар, балки асрлар ўтар, аммо газета тах-ламларида, электрон хотирларда ўша замон нафаси, тарихи қолади. Бугун биз “Садои Фарғона”нинг шу кунгача сақланиб келаятган сон-лири варақлар эканми, XX аср бошидаги сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муҳит ҳамда зиялилар маънавияти, маслағи, нуқтан назари ҳақида та-савурга эга бўламиз. Ёки бошқача айтганда, матбуот замон тарихи саҳифаларини биттувчи ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Биз у орқали миллат ва Ватан ўтмишини ўрганамиз, аждодларимиз, ҳамкасбларимиз руҳи, малакаси билан юзма-юз келамиз. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситаси нафақат маълум макон ва замонда ахборот тўловчи, таҳлил қилувчи ва тарқатувчигина эмас, балки тарихий муҳрлагувчи восита вазифасини ҳам бажаради.

Афсуски, газетанинг ўтган аср йиғирманчи, ўттизинчи, қирқинчи йилларга оид маълумотлар ҳақинаси ўта камбағал.

Фарғона қаламқашлари ҳақида гап кетганда, албатта, Акрам Қодирий номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Акрам Қодирийнинг журналистик қалами Тошкентда чарчанди. У 30-йилларда Аъзам Аюбов муҳаррирлигидаги “Муштум” журналида Гафур Гулом каби қаламқашлар билан бўйлашиб ишлади. Урушдан сўнгги йилларда эса ўз фаолиятини Фарғонада давом эттирди. У билан бирга Ақмал Пўлат, Шерали Тошма-тов, Адхам Ҳамдам, Воғиз Музаффаров каби Тошкент журналистикасининг нонини еган забардаст ижодкорлар



Фарғонага келишди. Уларда журнали-стга хоҳ хислатларнинг барчаси мужассамлашган эди. Тезкорлик, лўнда, ёрқин ифодалаш уларнинг мақолаларида биринчи ўринда турар-ди. Улар газетачиликнинг барча жанр-ларида қойилмақом ёза олишган. Бу хислат Фарғона қаламқашларига ҳам юқди. Турсунбой Маҳмудов, Аҳмаджон Ёқубов, Исмоил Тўхтасинов, Султо-наби Исмоилов, Наримон Эркин, Акрам Қамбаров, Ҳожимат Қодиров, Қодир Юсупов, А.Халилов, Жўрабой Ражабов, Ғ.Хонкелдиев, Юсуфжон Ка-римов, Рустам Суярқулов каби қатор қаламқашлар ана шу устозларнинг таълими, тарбиясини олишди, макта-бадан ўтишди. Айниқса, Турсунбой Маҳмудовни тез орада бутун республи-ка таниди. Унинг қисқа ва лўнда хабарлари, ҳажвийлари, таржималари босилмаган республикада биронта матбуот органи қолмади. Аҳмаджон Ёқубов таржима қилган китоблар эса Тошкент нашриётларида чиқа бошлади. Икки забардаст журналист бирин-кетин Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзолари бўлишди.

Фарғона журналистикасига 60-йиллар бошида кириб келган авлод тўфайли газетачилиқда сифат ўзгаришлари рўй берди. Вилоят га-зеталари катта бичимда чиқа бош-лади. Ҳозирги “Фарғона ҳақиқати” газетаси республика газеталари билан бўйлаша бошлади. Вилотлар ўртасидаги танловларда совриндор-лар қаторидан ўрин эгаллади. Ал-батта, бунда янги авлоднинг кўшган ҳиссаси катта эди. Охунжон Ҳакимов, Шаҳобиддин Зухридинов, Йўлдош Сулаймон, Дониёр Эргашев, Мамадали Муродов, Аъзамжон Ортиқов, Қодир Шодмонов, Аминжон Абдуллаев, Тошқўзи Муллаев, Холматжон Умаров, Эркин Отабоев, Тешабой Қодиров газетачиликнинг маҳобатини, обрў-

XIX асрнинг иккинчи ярмида юр-тимизга Туркистонни эгаллаб олган Россия амалдорлари томонидан бугунги газета кўринишидаги ах-борот воситаси олиб келинди. 1870 йиллардаёқ “Туркестанский вест-ник”, унинг ўзбекчаси – “Туркистон вилоятининг газети”, XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Тошкент жадидларининг “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат” газеталари пайдо бўлди. Иккин-чи ўн йиллигида Самарқандда “Самарқанд” (1913), Тошкентда “Садои Туркистон” (1914) газеталари чоп этила бошлади. Фарғонада эса жадидчилик ҳаракати етакчиларидан, шахсан ҳам ижодкор, ҳам тадбиркор, ҳам тадрибкор, Марғилонда туғилиб ўсган Обиджон Маҳмудовнинг фидойилиги натижасида Кўқонда “Са-дои Фарғона” газетасига асос солинди. Унинг биринчи сони 1914 йил 3 апрелда чоп этилди. Мақолада “Садои Фарғона” таъсис-чи ва муҳаррирлари ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз.

Зеро, тарихнинг ўша йиллар воқеалари илмий мақолаларда батафсил тилга олинган.

эътиборини оширдилар. Бу авлод-нинг сардор Охунжон Ҳакимов мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвонга сазовор бўлди. Йўлдош Сулаймон эса фаолиятининг энг кизгин давлари-да Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раҳбарларидан бири сифатида танил-ди.

70-80-йилларга келиб, газетачилик профессионал даражага кўтарилди. Мамлакат олий ўқув юртиларида таълим олиб, журналист, филолог деган касбларни эгаллаган кўплаб дипломли ёшлар Фарғонага ишга кела бошлади. Санъат Маҳмудова, Бекмирза Маҳмудов, Азимжон Гофуров, Гавҳар Жалилова, Абдужа-бор Хусанов, Содиқжон Сайфуддин, Жўра Саримсақов, Тўхтасин Азимов, Сайдали Одилов, Малика Мирзаева, Иброҳимжон Ашуров, Адхам Ка-римов, Абдурахим Йўлдошев, Анвар Юнусов, Анвар Комилжонов, Матлу-ба Аҳмедова, Дилбархон Мўминова, Раҳима Тўхтасинова, Ханифа Усмо-нова, Аҳаджон Маҳмудов, Тоштургу-н Исоқов, Зокир Махсумов, Муҳаббат Иброҳимова, Пўлат Иброҳимов, Акрамжон Содиқов, Алишер Раҳматуллаев, Неъмат Рауфжонов, Музаффар Маматқулов, Иномжон Ҳасанов кабилар журналистикани ян-ги ижодий босқичга кўтара олдилар.

Санъатхон Маҳмудова Фарғонада таъриба тўплаб, сўнг республика хотин-қизлар журналистикаси “Саодат” да Зулфияхоним қўлида фаолият кўр-сапти. Республика кўрик-танлов-ларида қатнашиб, турли соврин-

ларни кўлга киритди. Фарғона шаънини янада баландроқ кўтарди. Қаламқашликнинг Фарғона мактаби-ни кўрган, унда суяғи қотган Малика Мирзаева кейинчалик республикага таниқли шоира бўлиб етишди. Қатор шеърый тўпламлар билан бирга, драматик асарлар ҳам яратди. Ижод гулшанини бойитишда Сайдали Оди-лов ҳам қолишмади. Очерк ва публи-цистика жанрларида кучини синая кўрди. Қатор драмалар яратди.

Жўшқин ижодкор Адхам Каримов ўзидан “Бир гапим бор, минг тилло” номли тўплам қолдирди. Унинг ўтқир-тилда ёзилган фелъетон ва публици-стикалари Фарғона журналистикасида ўзининг муносиб ўрнига эга.

Мустақиллик йилларида Дониёр Эргашев, Аҳмадали Ҳўжаев, Фотиҳ Азимов, Алишер Ибодинов, Баҳром Обиджонов, Наби Собиров, Аҳмадали Тешабоев, Гулбаҳор Саидганиева, Муҳаммаджон Обидов бош муҳаррир-лигида газета ижодкорлари юртим-из истиқлолни мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш, халқимизнинг бой тарихи ва маънавиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасида фаол иштирок этиб келдилар. Айни чоғда бош муҳаррир Рустам Орипов бошчилигидаги тахририят вилоят-даги янгилик ва ўзгаришларни, халқ ҳўжалигини барқарор ривожланти-риш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, мустақиллик неъматлари ва имкониятларидан оқилона фой-даланиш, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг изчил амал-



партия иқтисодии кучайган сари унинг ғоялари тарғиботчиси, халқни шу ғояларга эргаштиришга даъватчи, қарши чиққанларни аёвсиз танқид остига олувчи куролга айланди. Шўролар даври матбуотидаги қаттиқ цензурадан четда қололмади. Биз “Садои Фарғона” меросхўримиз деганда, ана шу аччиқ ҳаётий ҳақиқатни, унинг ҳуқуқий оқибатларини зиммамизга олишимиз керак.

Очиғи, мустақиллик йилларида “Фарғона ҳақиқати” мутлак эмин-эркин, бир текис фаолият кўрсатди, дейиш ҳам қўйин. Роппа-роса 30 йил газета Фарғона вилояти ҳокимлиги муассислигида чоп этилди. Гарчи цензура бекор бўлган бўлса-да, баъзи ҳолларда муассис – ҳокимият унинг ижодий ишларига аралашар, баъзида ноқонуний буйруқлар беради. Бир қанча таърихчи журналистларнинг фидокорона хизмати, таъсирчан ижодини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун эса таърибали журналист Абдуқалил Бобожонов мураббийли-гида Муаттар Маҳмудова, Маҳиёра Бойбобоева, Гўзал Охунова, Достонбек Холматов устозларнинг бой таъриба ва қимматли анъаналарини муносиб равишда давом эттириб, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, элимиз тинчлиги, юртимиз фаровонлиги ва Ватанимизнинг буюк келажagini яратиш учун қўлни кўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Шу ерда бир гапни айтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Газета 110 йил-лик мураккаб тарихий йўлни босиб ўтди. Дастлаб жадидлар томонидан энг эзгу ғояларни тарғиб қилишни мақсад қилган ижодий жамоа 1918 йил Кўқонда Туркистон мухторияти қонга қўйилгандан сўнг шўролар ҳокимияти сиёсати билан муро-са қилишига тўғри келди. Шунга қарамай, қанчалар қийин бўлмасин, 1926 йилларгача илк сонда эълон қилинган асли мақсадида садоқат би-лан хизмат қилди. Аммо коммунистик

Муҳаммаджон ОБИДОВ, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари тахририяти” МЧЖ бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ҲАМҚОРЛИК БАРДАВОМ БЎЛИШИГА ИШОНАМАН

Хурматли жаноб Хайрулло Хайитбаевич БОЗАРОВ, Хурматли жаноб Муҳаммаджон Долимович ОБИДОВ! Азиз дўстлар, хонимлар ва жаноблар!



Бугунги тадбирда видеомурожаат қилишдан мамнунман. Таклифингиз учун Сизларга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман ва Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси номидан "Фарғона ҳақиқати" газетаси тахририяти ходимлари ва барчангизни газета ташкил топганининг 110 йиллиги билан табриклайман.

Жорий йилнинг январь ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзаро кенг қамровли стратегик шерикликни юксак даражага кўтариш, бир мақсадга қаратилган ўзбек-хитой ҳамжамиятини барпо этиш ва кейинги йилларда барча йўналишларда, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича янги истиқболли режаларни келишиб олдидилар.

қорлик ришталарини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани мени жуда қувонтиради. Айниқса, газета саҳифаларида "Бир белбоғ - бир йўлни қуриш инсониятнинг ягона тақдир ҳамжамиятини барпо этиш: Ўзбекистондан назар" мавзуда танлов ўтказилгани, мамлакатингиз академиклари, етакчи олимлари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари, марказий газета-журналлар ва ижтимоий тармоқлар журналистларининг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасининг жаҳон ҳамжамияти учун катта аҳамияти хусусидаги мақолалари чоп этилганини алоҳида таъкидлаб, тахририят ходимларига ўзимнинг чуқур ташаккуримни билдираман.

Юй ЦЗЮНЬ, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси.

ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТИНГ АСЛО СЎНМАСИН!



"Фарғона ҳақиқати" газетаси республика-мизда ўз ўрни, сўзи, аҳамияти ва позициясига эга бўлган, бир асрдан кўп вақт давомида халқимизнинг сеvimли нашридир. Бугун тарихий хотираларим яна қайта жонланиб, газета ривожини учун қайғурган устозларим, касб-дошларим, жамоатчи мухбирлар ва шогирдларим бирма-бир кўз ўнгимдан ўтгапти.

Хаётимнинг 53 йилдан ортиқроқ вақти газета тахририятида мухбир, бўлим мудир, масъул котиб, бош мухариб ўринбосари ва 14 йил бош мухариб сифатида фаолият олиб бориш билан ўтди. Устозларнинг "Газетанинг нони қаттиқ, уни ейиш учун темирдан тиш бўлиш керак" деган гапларини бот-бот эсламан.

лар хотирамдан ўчмайди. Утган асрнинг 80-йилларида "Фарғона ҳақиқати" газетаси 75 минг, "Ферганская правда" 30 минг нускада чоп этилган. Моҳир журналист Абдужаббор Хусановнинг республика-миздаги "Ўзбекистонга тош отманг!" сарлавҳали публицистик мақоласини, тахририят ижодий ходимларининг юртимизда биринчи бўлиб етим болаларга суннат тўйи қилиб берганини бутун Ўзбекистон аҳли қўллаб-қувватлаган ва олқишлаган эди.

ликаним раҳбари Шароф Рашидов ҳақидаги "Ўзбекистонга тош отманг!" сарлавҳали публицистик мақоласини, тахририят ижодий ходимларининг юртимизда биринчи бўлиб етим болаларга суннат тўйи қилиб берганини бутун Ўзбекистон аҳли қўллаб-қувватлаган ва олқишлаган эди. Халқимизнинг "Тўйга қуш ҳам қанотини текизади" деган нақлига амал қилиб, саховат кўрсатилгани ва хайрия пуллари Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларидаги "Болалар уйи"га тақсимлаб берилгани ширин хотираларим сирасига кирди.

"Farg'ona haqiqati" ижодий жамоасига!

Фарғона водийсининг кўзгуси ҳисобланган "Фарғона ҳақиқати" газетаси бизнинг Зарафшон воҳасининг тўнғич наشري бўлган "Зарафшон" газетаси билан тенгдош, тарихи муштараклиги учун бизга қадрдон ҳисобланади.



Иккала нашрга ҳам ўз даврининг улуг маърифатпарварлари, жадид боболаримиз асос солиб, халқни илму зиёга чорлаган, уларнинг қалбини маънавият нурлари ила мунаввар қилган. Чўлпондан тортиб, Ашурали Зоҳирийгача юзлаб маърифатпарварлар, олимлар, зиёлилар фаолият юритган "Фарғона ҳақиқати" газетаси бир асрдан ошибдики, халқимизнинг энг сеvimли нашрларидан бири бўлиб келмоқда.

қийинчиликлари, қувончу ташвишлари бўлганлигини ҳис этамиз. Бугун ҳам Муҳаммаджон Обидов етакчилигидаги газета ўз олдида қўйган вазифаларни юксак масъулият билан бажариб келмоқда. Тахририят ходимларининг инсон қадрини улуглаш, эзгу гоғларни аҳоли онгига сингдириш, халқимиз маънавиятини янада бойитиш, ислохотларни чуқурлаштиришга тўсиқ бўлаётган иллатларни фож этиш, жасорат соломасини яратиш борасидаги хайрли ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, раҳматли Ортиқали Номозов вафотидан бирор ҳафта олдин ўзининг журналистлик фаолиятини "Коммуна", ҳозирги "Фарғона ҳақиқати" газетаси тахририятида бошлаганини мамнуният билан гапириб берган эди.

ТАХРИРИЯТДАН ОЛГАН САБОҚЛАРИМ

Аслида 8-синфда ўқитган пайтдаим. Уч-тўрт ойдан сўнг қишлоқ хўжалиги бўлимига ўтказилди. Бу бўлимга ўзининг "Эрк қуши" романи, "Тонгдаги қўланка", "Ишқ янгилади" қиссалари билан бутун республикага машҳур бўлган истеъдодли ёзувчи Шерали Тошматов мудирлик қиларди. Бу бўлимда ишлашга кўпчиликнинг юраги бетламасди. Чунки Шерали ака хийла баджаҳл, қаттиққўл ва талабчан эди. Шунинг учун оддий ходимларгина эмас, ҳатто катталар ҳам эҳтиёт бўлиб бўлганлигим, бадийи адабиётни сеvgанлигим учун шундай таниқли адиб билан ишлашдан завқланардим.

Мен ўша пайтда "Коммуна" деб аталган, ҳозирги "Фарғона ҳақиқати" газетаси тахририятида атиги 3,5 йил (1965 йилнинг июлидан 1968 йил февралигача) ишладим холос. Аммо шу қисқа мuddатда бутун умримга татигулик ибратли сабоқлар, ҳаётий тажриба олдим.



да! Иккинчи томондан, илмий иш қилишга иштиёқим кучли эди. Лекин одоб юзасидан "Ихтиёр сизда!" дедим. Абдулла ака бир томоғини қириб олдилар-да, "Энди бу ерда ишласангиз, бўлим мудирини бўларсиз, котиб бўларсиз, ана редактор ҳам бўларсиз. Лекин или қилсангиз, у бошқа олам. Бориб ишланг, ўзингизни синиб кўринг. Мабодо, қўлингиздан келмаса, қайтиб келавингиз, мен шу ерда бўлсам, редакциянинг эшигини ҳар доим очик!"

ФАРҒОНАНИНГ АСРИЙ ЖАРАНГИ

"Садон Фарғона" номи билан чоп этилиб, йиллар силсиласидаги ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида газета номи бир неча бор ўзгарган бўлса-да, ижодий жамоанинг мақсад-муддоси ўзгармай қолавергани ҳақида мароқ билан гапириб берганди.


жон Ҳакимнинг дилбар шеърлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адиб Муҳаммаджон Обидовнинг тиш-тирноқли мақолалари сурурили, шуқуҳли. Узининг 110 йиллигини нишонлаётган ва бугун "Фарғона ҳақиқати" номи билан вилоят солномасига асос бўлиб турган газета ҳамда унинг ижодий жамоасини наманганлик ижодкорлар номидан табриклайман!

Водий Афандиси, номи билан шуҳрат қозонган Адҳам Ҳамдамнинг ичакудзи латифалари, устоз Охун-

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раҳбари.

УЛУҒлар сўзлаган минбар

Отaxon газетамиз – “Фаргона ҳақиқати” 110 ёшни қаршилади. Мана шу кутлур ёшнинг қарийб 50 йили жамоатчи мухбир сифатида ҳаётим билан чамбарчас боғлиқ эканлиги менга чексиз қувонч бағишлайди.



Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қаҳқор, Усмон Носир, Собир Абдулла, Комил Яшин каби улуғлар сўзлаб ўтган мана шу минбардан туриб гапирганим – бахтим деб ҳисоблайман. Абдулла Мирзаев, Аҳдам Ҳамдам, Воғиз Музаффаров, Исмоилжон Тўхтасинов, Охунжон Ҳаким, Йўлдош Сулаймон, Аъзамжон Ортиқов ва Дониёр Эргашев каби устозлардан маънавий сабақлар олганман.

Айниқса, кейинги вақтларда устоз журналист Муҳаммаджон Обидов ҳамда унинг ижодий жамоаси саъй-ҳаракати билан бадий ва полиграфик жиҳатдан гўзаллашиб, ўқимшилиги ортиб бормоқда.

“Фаргона ҳақиқати”нинг байрами – менинг ҳам байрагим. Кекса журналист ва газетхон сифатида барча ҳамкасбларимни чин дилдан кутлайман.

Собиржон ОТАБОВЕВ,
фахрий журналист,
Бувайда тумани.



ҚАЛАМГА, ВИЖДОНГА СОДИҚЛАР

Тарихни ўзгартириб бўлмайди. Худди ҳақиқатни ўзгартириб бўлмагандай. Ўзгарган тарих, ўзгарган ҳақиқат мажруҳ бўлади. Чунки асл қиёфа йўқолади.

Воғиз Музаффаров, Аъзамжон Ортиқов, Иброҳим Ашуров, Тошқўзи Муллаев, Аминжон Абдуллаев, Аҳмадали Хўжаев, Абдуҷаббор Хусанов, Содиқжон Сайфутдинов, Маҳфуза Усмонова, Энаҳон Сиддикова, Муҳаббат Иброҳимова, Толибжон Турсунов, Ҳафиза Саляхова, Маъмура Абдурахимова, Матлуба Тожаевна, Машрабжон Саримсоқов, Абдуҷалил Бобоҷонов, Рустамжон Орипов, Муҳаммаджон Эркабоев, Юрий Ефимов, Алла Кубасова, Валентин Пономарёв, Фёдор Ҳасанов ва нихоят мени ишга қабул қилиб, бундан 29 йил аввал меҳнат дафтарида илк саҳифасига “Ишга қабул қилинсин” деган буйруққа имзо чеккан Дониёр Эргашев.

Мана шундай бебаҳо ижодкорлар, қалби дарё инсонлар билан бирга бир заводдан нафас олиб, меҳнат қилганман. Ҳар бири алоҳида шахс, ҳар бири журналистиканинг ўзига хос мактаби.

Номларини ёд олганларимнинг бу дунёни тарқ этганларига Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин. Борлари бахтимизга соғ-омон бўлсинлар. Бир умр миннатдорман барчаларидан.

Гапни кўп чўзиш ниятим йўқ: “Фаргона ҳақиқати”нинг ҳақиқати – қаламга, виждонга содиқликда эди. Ана шу ҳақиқат ҳамisha бор бўлсин.

Иброҳимжон ҲАЛИМБЕКОВ,
Фаргона вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи.

ШУ ДАРГОҲДАН БАРАКА ТОПДИМ

... Ишдан бўшаганман, кўнглим тўла савол. Катта шаҳарда бир этак бола билан ишсиз қолиш фожиадек. Шунақа синовли пайтларда одамнинг ўзига бўлган ишончи, баҳоси пастлагандек бўларкан. Бир куни вилоятнинг нуфузли нашри – “Фаргона ҳақиқати” газетасининг бўлим мудири Маъмура Абдурахимова кўнгли сўраб қолди.



– Бизга ишга келинг. Ўзбекистон Қаҳрамони, фермер Патила Эргашева ҳақида ёзганларингиз устозларга манзур бўлган эди, эплэйсиз, қизим, – деди яхшилик соғиниб.

Ўйландим рости. Фарғонанинг юксак ҳақиқати бўлган бу катта сўз майдонидида менинг ёзганларим нима бўларди! Охунжон Ҳакимов, Малика Мирзаева, Энаҳон Сиддикова каби халқ шоирлари ишлаган мўътабар даргоҳнинг остонасидан ҳам ўтолмасам керак.

Кўп ўтмай мени газета таҳририятига қақиритди. Минг ўй-сано билан қишлоқ хўжалиғи бўлимида иш бошладим. Биринчи иш куниданоқ бўлим бошлиғи Расулжон Камолов куз фаслига боғлаб, сабзавотлар ҳақида мақола ёзишимни айтди. Шеър бўлса бир нави дейман ўзимга-ўзим. Сабзавотлар ҳақида қизиқарли, бадий, фойдали мақола ёзмаман, деб кун буйи компьютерга кўшиб қалбимни, онгимни титкиладим. Ўшанда кўнглимни эгаллаган улкан хавотир билан узок ишломасам керак, дея ўйлаганман.

Ёзганларимни мен кўп йиллар аввал эшитганим ҳар бир мақолани муаллифига ўн марта қайтаришдан чарчамайдиган, сўзга хасис ва хассос муҳаррир ўринбосари, устоз журналист Абдуҷалил Бобоҷоновга олиб кирдим. Хайрият, менинг исми бу муҳташам нашрда кўриниб берди. Икки-уч сондан сўнг бош муҳаррир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов хонасига қақирди.

– Ёзганларингиз бизга маъқул, – деди назари баян журналист газетани варақлаб. – Бу катта қозон пиширади сизни, пишмаганингизга кўймаймиз.

Устоз айни ҳақиқатни айтган экан. Тез фурсатда ишга бор меҳрим билан киришиб кетдим. Театр, муржоатлар билан ишлаш, мактаб ҳожатхоналари ҳақидаги чиқишларим сабаб эътирофлар, баҳслар, танқидлар билан юзлашдим. Бош муҳаррирнинг қўлловидан руҳланиб, йиллик обуна бўйича корхона, ташкилотлар билан 1600 нусха газета шартно-

маси тузишга эришдим. Берилган муқофотга уйимизга катта экранли телевизор олганимиз, болаларимнинг қувончдан чопиб юрганлари айна кўз олдимда.

Мен мана шу даргоҳда чин маънода жамоа бу бир оила бўлишни, раҳбар сени тушунса, қадрласа, ҳеч қандай қийинчилик эга олмаслигини юракдан ҳис этдим. Улуғ устозларнинг шуури, меҳри, дуоларидан ризқландим. Бир пиёла чай устидаги гурунлар, байрамлардаги эътибордан қалбан юксалдим. Бобом раҳматли “Одам нима иш қилса ҳам барака топса ҳисоб” дер эдилар. Мен “Фаргона ҳақиқати” газетасида ишлаб, шу даргоҳдан бутун умримга етадиган БАРАКА топдим.

Таҳририят – парвозларнинг майдонидир. Ҳақ сўйлаган овозларнинг майдонидир. Сўз мулкида улуғлардан дуо олган, Худо берган устозларнинг майдонидир.

Ҳақиқатнинг бўйи келар варағидан, Ҳар ёзганда бир довондан ошар мухбир. Ахборотнинг оламида рўёнимас, Бўлган рўё рости сўзга кўшар мухбир.

Қаламига илҳом берар халқнинг меҳри, У одамлар ташвишига чин мадақкор. Бу дарёга қўшилганлар кам бўлмаган, Бу даргоҳнинг фанзи баланд, барака бор!

Таҳририят – парвозларнинг майдонидир, Худо берган устозларнинг майдонидир.

Дилшода ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фаргона вилоят бўлими раҳбари.

ЧИРОҚЛАРИ КЕЧАЛАРИ БИЛАН ЎЧМАСДИ

Вилоят газетаси, унинг таҳририяти туман, шаҳар нашрлари учун отадай гап эди. Қуйи матбуотда йил этган яхши нарсга чиқса, эътиборга олар, рағбат берар, бўладиган муаллифни бағрига чорларди.



Шу тариқа Кўқон шахридан Анвар Комилжонов, Анвар Юнусов, Бағдоддан Жўрабой Саримсоқов, Учқўприқдан мен ва яна бир неча ёшлар “Коммуна” (ҳозирги “Фаргона ҳақиқати”) редакциясига келиб қолганмиз. Бу даргоҳда ўтган кунлар ҳаяжонли, жўшқин, заҳматли, ўйланган, ширин антикитирадиган давр эди.

Таҳририят чироқлари тонгга қадар ўчмасди. Йўлаклардан қадам товушлари, ходимлар овози тинмасди. Гоҳо устоз Йўлдош Сулаймоннинг гулдираган овози, баланд қаҳқаҳаси эшитилиб қоларди. Омон Жорқинбоев (кейинча-

лик таниқли ёзувчи) бир қатралик фалсафий роман ёзар, Анвар Юнус (кейинчалик таниқли шоир) “Сени севганимни булбулга айтдим, булбул булбулларга ёйиб юборди” дея баланд овозда шеър ўқир, устоз Воғиз Музаффаров учраганга топириқ берар, бош муҳаррир Абдулла Мирзаев бирор тумандан қайтиб, “Қалайсанлар, янги газета тайёрими?”, деб идо-

рага бош суқарди. Худди тун-куннинг ҳисоби йўқдай. Кундузлари қизлар, уларнинг етакчиси Малика Мирзаева, Матлуба Аҳмедова, Муҳаббат Иброҳимова, Ҳафиза Саляхова (кейинчалик ҳаммалари шоира, адиба) ижодий мулоқотлари авжига чиқар, ҳар кун, ҳар тун шундай жўшқин ўтарди. Ҳаммамизни таҳририятнинг оҳанрабои ўзига тортарди.

Ижодий муҳит, самимият барча ходимларни бир тан, бир жон қилиб юборган эди. Уйдан кўра кўпроқ ишга шошилди. Аъзамжон Ортиқовнинг очик юзлиги, камтарлиги, Шаҳобиддин Зухридиновнинг фалсафа суқушлари, Дониёр Эргашевнинг ҳақгўйлигини соғинардик.

Тақдир тақозоси билан маданият соҳасига ишга ўтганимнинг дастлабки кезлари, қаерга келиб қолдим-а, деган ўйлар келганини, “Коммуна”да ўтган кунларимни тез-тез кўмсаганларим эсимда. Бугун муборак ёшга етган газетамиз таҳририятини соғиниб яшайман.

Табарруқ ёшинг муборак бўлсин, газетам!

Сайдали ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

“Фаргона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти билан боғлиқ ҳаётини таъриҳини ўзгартириб бўлмайди. Худди ҳақиқатни ўзгартириб бўлмагандай. Ўзгарган тарих, ўзгарган ҳақиқат мажруҳ бўлади. Чунки асл қиёфа йўқолади.

СЕВИМЛИ НАШР – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Устозим, романнавис ёзувчи Йўлдош Сулаймон шеърини бўлимини бошқарган даврлар, яъни ўтган асрнинг 1980-йиллари илк шеърини дебютига йўл очилди. Шеърини таъриҳини кўлаб устозларимиз Малика Мирзаева, Матлуба Дехқон қизи, Муҳаббат Иброҳимова ва бошқа инсонлар газета таҳририятида ишлаб қалам тебратдилар. Талабалик чоғида эса устоз шоира Малика Мирзаеванинг “оқ йўл”и билан туркум шеърларим босилиб чиқди. Шундай қилиб, газета менинг тақдиримга айлана бошлади.

Йиллар ўтиб улғайиб, илмий, ижодий даражаларга эришдим. Албатта, бунга йўл очган сеvimли газетам билан доимий алоқада эдим. Кунлардан бир куни тақдиримни шу газетамга қаттиқроқ боғлайдиган воқеа бўлди. 2017 йилнинг январь ойи бошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фаргона вилоят бўлими раиси Энаҳон Сиддикова телефон қилди:

– Сизни бир ишга тавсия қилдим, йўқ демаясиз, – деди устоз шоира.

– Қандай иш экан, Энаҳон опа, – дедим.

– “Ферганская правда”га бош муҳаррирликка. Сизга ишонман, қўлингиздан келади. Хуллас, “Фаргона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти ажратилиб, опанинг бир оғиз ишонч билдириб берган тавсияси билан “Ферганская правда”да

бош муҳаррир бўлиб ишлаш бошладим ва ўтган йиллар ичиде жуда катта ижодий мактабни босиб ўтдим. Таҳририят ходимларига раҳбарлик қилиш билан бирга, уларнинг таъриҳини ўрганиш ҳам. Иккала таҳририят жамоасида меҳнат қилаётган ходимларнинг барчасини ҳурмат қилдим, улар менинг қадрдонларимга айландилар.

Қандай буюк инсонлар, одил ва тадбирли, қалами ўткир раҳбарлар, табарруқ устозлар, маҳоратли журналистлар изини босиб юрганлигим бир дам ҳаёлимдан кетмади.

Энг аҳамиятлиси, “Фаргона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталарининг 100 йиллигини нишонлашдек тарихий сана бош муҳаррирлик давримга тўғри келди.

Бироз вақт бу газеталар бирлашган таҳририятига ҳам бош муҳаррирлик қилдим. Миллий журналистикамиз янги қудратга тўлаётган, замонавий журналистика тямойиллари юзага келаятган, интернет оламидаги янги шарт-шароит ва талаблар олдимизга вазифалар қўяётган давр, камига рус тилида ижод қилувчи кадрларнинг камайиб бораётгани, ва асосийси, газета ўқувчилари, обуначиларининг йўқолиб бориши туфайли молиявий муаммолар ўзига хос қийинчиликларни юзага келтирар эди. Бироқ буларни қадрдон жамоа билан биргаликда енгиб ишлашга киришдик.

Бугун журналистика ҳар қанча янгиланмансин, ҳар қанча янги усуллар пайдо бўлмасин, газета таҳририятида тер тўкиб ишлаётган журналист меҳнатининг ўрнини босолмайди. Чунки бу ерда орамиздаги инсонлар ҳақида лавҳалар яралади, ҳақиқий ҳаётини материаллар пайдо бўлади, тилининг, сўзининг имкониятлари юзага чиқади, савод, имло деган қондалар амал қилади. Англаганим шунки, газета таҳририятида ишлаш қанчалик қийин бўлмасин, енгил йўналишларга ўзини урмасдан, оригинал, бирламчи ноёб материални яратаятган ходимлар бугунги кун қаҳрамонларидир.

Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият олиб борар эканман, таҳририятда орттирган таъриҳим, билимим баъзи ўринларда қўл келаятганини эътироф этишим керак. Фарғонамизнинг шонли тарихини саҳифаларга муҳрлаган ва бу аънъани давом эттираётган сеvimли газетамизга йўлинг оқ бўлсин, ҳақ учун, ҳақиқат учун курашда толма, дейман!

Гулбахор САИДГАНИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.



икки сопли қўл арриси билан ўрам узунлигини қирқиб ташлаб, газетани босандим.

“Садон Фаргона” – “Фаргона ҳақиқати”нинг 110 йиллиги арафасида устоз матбаачилар – Собиржон Абдуллаев, Ҳакимжон Улмасов, Бобораҳим Шерматов, Андрей Кондратенко, Комилжон Мирзашов номини эслаб ўтишни лозим топдим.

Каримжон ҚОДИРОВ,
меҳнат фахрийси.

